

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ НОЗИМЖОН НАБИДЖОНОВИЧ

ПОЙАФЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 - «Маркетинг» ихтисослиги

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 677:338:13.(574.2)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Расулов Нозимжон Набиджонович

Пойафзал маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни
такомиллаштириш.....3

Расулов Нозимжон Набиджонович

Совершенствование использования маркетинговых исследований на рынке
обувной продукции.....27

Rasulov Nozimjon Nabidjonovich

Improving the use of Marketing Research in the footwear products
market.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ НОЗИМЖОН НАБИДЖОНОВИЧ

ПОЙАФЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 - «Маркетинг» ихтисослиги

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Iqt.813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tseu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иватов Ирисбек

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Мурат Акрамович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мадияров Гофуржон Ахмедович

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 08 куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-01-49; факс (99871)239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1062 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-75; факс (99871)239-28-75; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 07 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д.,
доцент

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида пойафзал саноати азалдан саноатлашишнинг «старт олувчи» соҳаси бўлиб келган. «Ривожланган мамлакатларда пойафзал саноатининг саноат ишлаб чиқариши таркибидаги улуши 8-12 фоизни ташкил қилиб, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан 75-85 фоизга тўлдиришга имкон берган»¹. Бинобарин, пойафзал саноати энг ривожланган Италия, Туркия ва Хитой каби мамлакатлар амалий маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланиш, чарм-пойабзал, мўйна, қорақўл маҳсулотлари ҳамда жундан ишланган буюмлар сегментларида ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда олиб бориш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва маҳсулот брендини ошириш, шунингдек, инновацион маркетинг стратегиялари асосида жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга эришмоқдалар.

Жаҳонда пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бозор фаолиятини самарали ташкил этишда маркетинг тадқиқоти усулларида фойдаланиш, бозор тадқиқотларини истеъмолчиларга йўналтирилган концепциялар асосида ташкил этиш, рақамли маркетингдан фойдаланиш, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўллаш, инновациялар асосида тадқиқотлар самарадорлигини ошириш орқали узок муддатли маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий пойафзал брендларини шакллантириш асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш харажатларини қисқартириш, амалий тадқиқотлар ўтказиш бўйича менежерларнинг кўникмаларини шакллантириш, тадқиқотларда эксперимент моделлардан ҳамда мақсадли дастурий тизимлар, ахборотлар билан ишлашда «сунъий интеллект» асосида ишловчи дастурий маҳсулотлардан фойдаланишнинг илмий услубий асосларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ўзбекистонда пойафзал саноати иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг бозорида ўзига хос маркетинг муҳити шаклланган. «Тармоқда 450 минг киши иш билан банд. Чарм-пойабзал ишлаб чиқариш ва унинг савдосини ташкил этиш соҳасида мингга яқин кичик корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Бироқ, республиканинг пойафзал экспортидаги улуши эса бир фоиздан ҳам кам, шунингдек, маҳаллий корхоналар томонидан мамлакат ички бозорида атиги 42 фоиз эҳтиёжлар таъминланган».²

Чарм хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон пойафзал маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнларига бозор эҳтиёжидан келиб чиққан

¹Industry statistics - <https://www.iafnet.com/industry/industry-statistics/>

²Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). List of exporters for the selected product Product: 2019. <http://www.trademap.org/>